

ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ИСТИҚБОЛИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10612696>

Нарзуллаев Абдулло Ибодуллаевич

*Ўзбекистон халқ устаси,
Бухоро вилоят Кенгаши депутати*

Аннотация

Мақолада ҳозирги кунда Ўзбекистон анъанавий хунармандчилигининг тараққиёти, ҳукуматнинг ҳар бир соҳага бераётган алоҳида эътибори, уста-шогирд анъаналарининг давом этаётганлиги ҳақида сўз борган. Бу эса бир хунарманд оиласи мисолида таърифлаб берилган. Ўзбек уста-хунармандчилиги намуналари бутун дунё халқлари эътирофига сазовор бўлганлиги тўғрисида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар

анъана, хунармандчилик, хунарманд, кулолчилик, сулола, ҳудуд, услуб, Президент қарорлари.

Нарзуллаев Абдулло Ибадуллаевич

*Народный мастер Узбекистана,
Депутат Бухарского областного совета*

Аннотация

В статье речь идёт о прогрессе традиционных ремесел Узбекистана в настоящее время, об особом внимании, которое правительство уделяет каждой сфере, о продолжении традиции "мастер-ученик". Это описано на примере семьи ремесленника. Было высказано предположение, что образцы узбекских народных промыслов получили признание народов всего мира.

Ключевые слова

традиция, ремесло, мастер, гончарное дело, династия, территория, стиль, постановление Президента.

Narzullaev Abdullo Ibadullaevich

*People's master of Uzbekistan,
Deputy of the Bukhara Regional Council*

Annotation

the article tells about the progress of the traditional crafts of Uzbekistan nowadays, the special attention that the government gives to each sphere, the continuation of the master-student tradition. This is described in the example of an artisan family. It has been suggested that examples of Uzbek master-crafts have received recognition from peoples around the world.

Keywords

tradition, craft, craftsman, pottery, dynasty, territory, style, decisions of President.

Ўзбекистонда азалдан хунармандчиликка бой макон ҳисобланган. Юртимизда жуда кўп хунармакндчилик турлари мавжуд бўлган. Ҳар бир ҳудуд ўз хунармандчилик турлари ва услуби билан бошқасидан ажралиб туради. Ўзбек хунармандчилигининг бошқа юрт хунармандчилигидан фарқи бизда хунармандчилик турларининг кўплиги, хилма-хиллиги ва анъаналар сақланиб, давом эттирилиб келинаётганлигида.

Айниқса, хунармандчилигимизни қайта тикланиши ва ривожланиш босқичига ўтиши юртимиз мустақилликка эришганидан кейин содир бўла бошлади. Президентимизнинг ташаббуслари ва бевосита ғамхўрликлари натижасида, йўқолиб кетаётган хунармандчилигимизнинг кўшлаб турлари ва анъаналари қайта тикланмоқда. Шу боис, кейинги йиллар давомида хунармандчилик масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди, деб айтсак ҳеч муболаға бўлмайди.

“Хунармандчиликни ривожлантириш, халқ амалий санъати усталарини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Президентимиз томонларидан қабул қилинган фармон ва қарорлар йўқолиб бораётган миллий хунармандчилигимизни қайта тиклаш, уни ривожлантириш, ҳамда кейинги авлод вакилларига етказишимиз учун кенг йўл очиб бермоқда. Хунармандларимизни даромад солиғидан озод қилинганлиги халқ амалий санъати усталари оладиган даромадни ўз фаолиятини кенгайтиришга, янги-янги лойиҳаларни амалга оширишга, бу эса ўз ўрнида янги иш ўринларини ташкил қилишга имкон берди.

Ўзбекистонда хунармандчиликни ривожлантириш қуйидагиларга асос бўлади:

- миллий қадриятларимизни тиклаш, миллий анъаналарга эътибор кучайишига;
- аҳолининг бандлиги, янги иш ўринлари яратилишига;
- туризмни ривожига кўмак беришига;

Чунки Ўзбекистонда хунармандчилик ва туризм бир-бири билан чамбарчас боғлиқ соҳа ҳисобланади. Бирининг ривожидан иккинчиси манфаатдор. Халқ амалий санъати усталарининг бугунги кунда асосий харидорлари юртимизга келадиган сайёҳлар ҳамда интернет магазинлар орқали харид қилувчи харидорлардир. Бу эса:

- оила бюджетига қўшимча даромад олиб келади;

- ёшларни хунарга жалб қилиш ва уларга хунар турларини ўргатишга кенг йўл очади;

Қисқа давр мобайнида давлатимиз раҳбари томонларидан қабул қилинган қарор ва фармонлар ижроси айни кунларда юртимизда амалга оширилмоқда ва ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Хунармандчилиқни давлат даражасида қўллаб-қувватланиши натижаси ўларок, яқин ўтмишда, аниқроғи собиқ совет тузуми даврида таъқибларга учраган хунармандларимиз мустақиллик даврида ўз хунарларини қайта тиклаб, ривожлантириб, миллий кадриятларимиз намунаси бўлган миллий хунармандчилиқимизни дунёга намойиш этмоқдалар. Бунинг натижасида, хунарманд-усталаримиз дунёни кўрмоқда ва дунё ўзбек хунармандларини танимоқда.

Хунармандчилиқимизни ривожланиши натижасида биз хунармандлар хорижда кўргазмаларда иштирок этиб, ўз хунари орқали юртимиз миллий маданий мероси билан ўзга юрт аҳлини таништириш имконига эга бўлди. Бу эса Ўзбекистонни дунёга танитишга хизмат қилади. Ҳозирда дунё сиёсий харитасида ўзбек хунарманди бормаган мамлакатни топиш қийин.

Кейинги йиллар мобайнида халқимиз миллий хунармандчилиқимизни бошқача кадрлаб, эътибор бериб, хунармандчилик буюмларини амалий безак санъати намунаси сифатида харид қилиши ҳам давлат миқёсида миллий кадриятларимизни тарғиботининг натижаси деса бўлади. Шу ўринда Президентимизнинг “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорларида кўрсатилган, ёш оилаларга миллий кулолчилик асарларини давлат маблағлари ҳисобидан совға қилиниши ёшларимизни кулолчиликка бўлган эътиборларини кучайтиришга, кулолчилик асарларини миллий хунармандчилиқимиз намунаси сифатида эъзозлашлари учун хизмат қилади.

Президентимизнинг ташаббуслари билан бошқа соҳалардаги каби юртимизда хунармандчилик кластерларини ташкил қилиниши соҳани ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Хунармандчилик кластерлари соҳага минглаб хунармандларни жалб қилиши ҳар томонлама фойдалидир.

Кластерлар ишакчилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, гиламчилик каби хунармандчилигимизни кўпгина турларини қамраб олаётти.

Миллий хунармандчилигимизни ривожлантиришда шогирдлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратамиз. Азалдан хунармандчилигимизда Уста-шогирд мактаблари фаолияти тажрибаси кенг қўлланилган. Халқимизда хунармандчилик марказларига- хунармандчилик мактаблари деб ҳам таъриф берилган. Мисол учун Ғиждувон, Риштон, Ургут, Хоразм, Қўқон кулолчилик мактаблари. Ёки Бухоро, Тошкент, Хоразм мис кандакорлиги мактаблари ва бошқалар. “Мактаб” иборасини айнан уста-шогирд дастурига нисбатан қўлланилишига сабаб, шогирдларга устозлар хунар ўргатибгина қолмасдан, балки уларнинг тарбиясига ҳам масъул бўлганлар.

Уста-шогирд муносабатлари азалдан, асрлар мобайнида авлоддан авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган рисолалар (ёки низом) асосида мувофиқлаштирилган. Барча хунармандлар рисолага амал қилган ҳолда, фаолият кўрсатишган. Рисолада усталар ўртасида, уста-шогирд ўртасида, уста ва шогирднинг ота-оналари ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, тарбиявий муносабатлар кўрсатиб берилган. Рисола тартиб-қоидаларига амал қилинишини назорат қилиш ёши катта, халқ орасида ҳурматга, обрў-эътиборга сазовор бўлган шахслар – “Усто бобо”лар, “пир”лар зиммасида бўлган. Усто боболар эса, ўз навбатида хунармандлар томонидан сайланган. Улар касбий ва ҳаётий малакаларга эга бўлганликлари сабабли юзага келадиган масала-муаммоларни адолатли ечимини топа олганлар.

Мустақиллик даврида хунармандчилигимизни ривожланишини бизнинг оиламиз мисолида кўрганимизда – оиламиз аъзолари билан биргаликда дастлаб, Ғиждувон миллий кулолчилиги анъаналарини тиклашдан бошлаб, сал кейинроқ миллий каштачилик мактаби анъаналарини тиклашга қўл урдик. Ундан кейин ишак гиламлар тўқишни йўлга қўйдик. Айни вақтда 3 та хунар турига 60 нафарга яқин маҳаллий аҳоли вакиллари жалб қилганмиз. Биз фаолият олиб бораётган “Ибодулло Нарзуллаев номидаги Ғиждувон Миллий кулолчилик музейи” мажмуаси халқаро сайёҳлик дастурига киритилган. Бизга ташриф буюрадиган хорижлик меҳмонлар отамиз-Ибодулло Нарзуллаев номларидаги миллий кулолчилик музейида Марказий Осиё кулолчилик мактаблари тарихи билан танишиб, кулолчилик, каштачилик ва гилам тўқимачилиги устахоналаримизда хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёнини кўрадилар. Ҳатто сайёҳларни жараёнда иштирок этишлари учун ҳам шароитларни яратиб қўйганмиз.

Бугунги кун ҳунарманд ҳунарини мукамал ўзлаштириш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳунармандчилик асарларининг бозорини топиш, ташкил қила олиши ҳам керак. Ёки бошқача қилиб айтганда, ҳунармандчилик санъат менежменти(артменежмент) ва маркетинги каби соҳаларда билимларни пухта ўзлаштириши керак. Юртимиз мустақиллигининг дастлабки даврида, 90-йилларда хорижий донор ташкилотлар, Фондлар ва бошқа халқаро нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан ҳунармандларимиз учун ҳунармандчилик маҳсулотлари тарғиботини қилиш ҳамда уларни қандай қилиб бозорини топиш мавзуларида ўқув семинарлари, тренинглар ташкил қилинди. Мен мана шу дастурларда иштирок этиб, тажрибамни хориж мамлакатларида ошириш имкониятига эга бўлдим. Кейинги фаолиятимизда бизга бу кўникмалар жуда кўл келмоқда. Ҳозирги давр ҳунармандчилигида ҳам замонавий технологиялар, интернетдан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Маҳсулотларимизни муносиб рекламасини ташкил қилиш, ҳамкорлар топиш, улар билан алоқаларни йўлга қўйиб, узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликни олиб бориш борасида ишларни амалга оширмоқдамиз.

Мен ҳунарманд, анъанавий кулолчилик мактаби давомчиси сифатида ҳунарларимиздаги анъаналарини сақлаб қолиш, ҳунарларимизга ҳар хил ноҳўя таъсирлар натижасида анъаналарни бузилишига қаршиман.

Бу борада ҳаммамиз биргаликда фаолият олиб боришимиз керак деб ҳисоблайман. Хорижлик ҳамкорларимиз билан бу мавзуда суҳбатлар олиб борганимизда, улар ҳам – “бизни қизиқтирган томони ҳам сизда анъаналарни сақланиб қолинганлиги, анъаналарга содиқликдир” -деб эътироф этадилар.

Айни кунларда бизнинг юртимизда ҳунармандларимизнинг 6, 7, 8-авлод вакилларининг анъаналарни давом эттириб келаётганига гувоҳимиз. Биз Гиждувон кулолчилик мактабининг олтинчи авлод вакиллари сифатида ўз фаолиятимизни давом эттириб келмоқдамиз. Тарихий манбаларда бизни сулоламиз тўғрисида қуйидагича маълумот мавжуд:

- 1.Уста Шарофиддин кулол 1790-1885 й.й.
- 2.Уста Эргаш кулол 1848-1908 й.й.
- 3.Мулло Нарзулло Эргашев 1877-1932й.й. Мулло Тош Эргашев .1900 йил туғилганлар 1930 йилда қатағон қилинганлар.
- 4.Уста Усмон Умаров 1899-1979 й.й.
- 5.Уста Ибодулло Нарзуллаев .1926-1987 й.й.
- 6.Уста Алишер, Абдулло, Нодира Нарзуллаевлар.

7.Олимжон, Обиджон, Дилноза, Шозода, Акмалжон ва Маҳфузабону Нарзуллаевлар.

Миллий таълим дастурига кўра, мактаб ўқувчиларини хунарга ўргатиш аста-секинлик билан Республикамизда йўлга қўйилмоқда. 2023 йил 17 февраль санасида Президентимизни Бухорога ташрифлари бўлиб ўтди. Ташриф доирасида ташкил қилинган учрашувда мендан мактабда ўқувчиларни хунарга ўргатиш борасидаги фикрларимни сўрадилар. Мен мутахасис сифатида жараёнга хунарсандларни бевосита жалб қилиб, амалий машғулотларни хунарсандчилик устахоналарида ўтказиш таклифини ва бошқа таклифларни бердим. Дарҳақиқат, болаларни мактабдан хунар турларига жалб қилиш ижобий натижалар беради. Азалдан халқимизда ёшларни маълум бир хунар турига жалб қилиш орқали уларнинг тарбиясида қатор ижобий натижаларга эришилган. Булар - ёшларимизга хунар орқали сингадиган кунт, сабот, сабр, нафис дид, ўзи ва ўзгалар меҳнатини кадрлаш каби хислатлар.

Ёшлар келажакда қайси касб-хунарни эгаллашларидан қатъий назар, мактабда олган хунарсандчилик сабоқлари ҳаётда уларга албатта асқотади. Хулоса ўрнида, “Умурбоқий меърос-Ўзбек халқ хунарсандчилигининг истиқболи порлоқ!” деган шиорни ҳар бир хунарсанд ўз олдига мақсад қилиб кўяр экан, албатта ўзбек хунарсандчилигининг донғи бутун дунёга таралаверади!

Фойдаланилган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ва адабиётлар рўйхати.

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021-йил 30-декабрдаги ПҚ-77-сонли “Хунарсандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <http://lex.uz//docs/-5807559>

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 28-ноябрдаги ПҚ-4539-сон “Хунарсандчиликни янада ривожлантириш ва хунарсандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. <http://lex.uz//docs/-4622088>

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 12-июндаги ПФ-91-сон “Аҳолини хунарсандчиликка жалб қилиш ва хунарсандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. <http://lex.uz//docs/-6490321>

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 23-мартдаги ПҚ-5033-сон “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори . <http://lex.uz//docs/-5339469>

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 17-ноябрдаги ПФ-5242-сон “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://president.uz/oz/lists/view/1255>